O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 28-iyun • Shanba • 78 (27.883) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда».

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Авваламбор, сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадрли дўстлар!

Мана, ўн беш йилдирки, мамлакатимизда 27 июнь санасини миллий оммавий ахборот воситалари куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз миллатни уйғотиш, унинг дардларига дармон бўлиш ғояси билан майдонга чиқиб, илк миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини қўйган ана шундай улуғ инсонларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ўтган давр мобайнида ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугун биз ана шу машаққатли йўлда қанча-қанча синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, ўз касбига меҳри ва садоқати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган фидойи зотларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд бўлиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда.

Бу ўринда гап аввало матбуотимизнинг эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларидаги аҳамияти, моҳияти ва таъсирини янада кучайтириш, дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳаққоний ва холисона муносабатини, эътироф ва эътирозларини билдиришга қодир бўлиши, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшаши ҳақида бормоқда.

Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш — албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳаси заҳматкашлари, барча ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида туришини унутмаслигимиз даркор.

Оммавий ахборот воситаларини халқаро андозалар даражасига кўтариш, уларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлашда муассис ва таҳририятларга фақат расмий ҳужжатларда эмас, балки амалда эркинлик, жумладан, молиявий мустақиллик бериш, айниқса, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий шароит яратиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга аён бўлиши зарурки, бу вазифаларни амалга оширишда биз учун қандайдир майда ёки иккинчи даражали ишнинг ўзи бўлмаслиги керак.

Шу борада халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан қолиб келаётган айрим эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатлардан бутунлай халос бўлишни, уларнинг янада шижоат ва қатъият билан фаолият кўрсатишини кутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда медиа тармоқлари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айниқса, Интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кўмак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соҳанинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, бошлаган ҳаракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда бўлиши шарт.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб малакаси, ижодий маҳоратини ошириш, уларнинг жаҳон журналистикасининг илғор тажрибаларини пухта ўзлаштириши учун тараққий топган мамлакатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларини кучайтириш, содда қилиб айтганда, ўзаро борди-келдиларни кўпайтириш бўйича тегишли шароит туғдириб бериш ҳам ана шундай муҳим вазифалар қаторига киради.

Ишонаманки, бугунги байрам муносабати билан марказда ва жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотларда журналистларимиз уларнинг меҳнати натижаларидан баҳраманд бўладиган муштарийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб олиш имконига эга бўладилар.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган муҳтарам фахрийларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

27 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди.



Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, ўтказилаётган тадбир кун тартибига киритилган масалаларга фаолияти дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ишни «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳам миллий, ҳам халқаро даражада коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга йўналтирилган универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Конвенциянинг мақсади янада самаралироқ ҳамда амалийроқ тарзда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилиниши ва мустаҳкамланишига кўмаклашиш, шунингдек, бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ва техник ёрдамни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат. Конвенция қоидалари коррупцион жиноий қилмишларнинг олдини олиш, уларни текшириш, тергов қилиш ва бундай қилмиш учун жиноий таъқиб этиш, шунингдек, қамоққа олиш, мусодара қилиш ва бу жиноий соҳада топилган даромадлар қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятга нисбатан қўлланилади. Конвенция шунингдек, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва коррупция жиноятларини содир этган шахсларни тутиб топшириш тартибини ҳам расамадга соладди.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш юзасидан кўлами жиҳатидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатнинг бу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиёти умумэътироф этилган қоидалар ҳамда стандартларга жавоб беради. Мазкур Конвенцияга қўшилиш Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқларини пухта ҳимоя этиш йўлига қатъий тарафдор эканлигининг ифодаси бўлиб, сенаторлар томонидан маъқулланган мазкур Қонун суд-ҳуқуқ тизимини, давлат хизматини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, чет эл инвестициялари учун мамлакатимиз иқтисодиётининг жалб қилувчанлик даражасини оширади.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг 4.1-бандига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлиги ҳамда ногиронларнинг ижтимоий, мулкий ва бошқа хил манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан мамлакатда қабул қилинаётган изчил, комплекс чора-тадбирларнинг давоми эканлиги парламент юқори палатаси аъзолари томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

(Давоми 2- бетда)

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда демократик тамойиллар ва миллий қадриятлар мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрининг шаклланиши, изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан халқимизни кенг таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин, мустақил ва холис фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўн беш йилдирки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари 27 июнни ўзларининг касб байрами сифатида кенг нишонлаб келмоқдалар. Зеро, 1906 йил 27 июнь куни ўзбек тилидаги илк газета — «Тараққий»нинг биринчи сони чоп этилган. Юртимизда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши айнан шу сана ва газета билан боғлиқ.

Ўзбек миллий академик драма театрида 27 июнь куни — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

(Давоми 2- бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2007» танлови ғолиблари

Раҳима РАҲМАТОВА Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телерадиоканали масъул муҳаррири — Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги туркум радиоэшиттиришлари учун

Саид РАҲМОНОВ «Халқ сўзи» газетаси мухбири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун

Шукирбай СИПАТДИНОВ «Қарақалпақстан жаслары» газетаси мухбири (Қорақалпоғистон Республикаси) — Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ёшлар ҳаёти, халқ саломатлиги, тадбиркорлик масалаларини ёритган мақолалари учун

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлими мудири — Ёшларга бағишланган туркум мақолалари учун

Ольга ЩЕТИННИКОВА «Голос Узбекистана» газетаси мухбири — «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши кенг ёритилган мақолалари учун

Иномали ЯВМИТОВ Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси ахборот маркази «Ҳудуд» ахборот таҳлилий дастури муҳаррири — Ижтимоий мавзудаги кўрсатувлари учун

ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАНЛАР:

Сайёра АБДУЛЛАЕВА — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телерадиоканали катта муҳаррири

Карахан ЖЎРАЕВ — «Нурлы жол» газетасининг жамоатчи мухбири

Фарруҳ ЖАББОРОВ — «Ҳуррият» газетаси бўлими мудири

Навбаҳор МАМАЖОНОВА — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион кўрсатувлар бош муҳарририяти шарҳловчиси

Ҳикоят МАҲМУДОВА — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи муҳаррири

Раҳшона ТОШПЎЛАТОВА — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

Муҳсин ЮСУПОВ — «Мулоқот» нодавлат телеканали (Фарғона вилояти) муҳаррири

Мавлуда ҚОСИМОВА — «Маҳалла» газетасининг масъул котиби

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ — «XXI аср» газетасининг ўз мухбири

Норбўта ҒОЗИЕВ — Қашқадарё вилояти «Адолат кучи» газетаси муҳаррири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

Дил изҳори

БУНДАЙ ҒАМХЎРЛИКНИ ИЛГАРИ КЎРМАГАНМИЗ

Фахрий журналист сифатида бир ҳақиқатни айтишни истайман: мустақиллик йилларида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига бўлган эътибор юксак даражага кўтарилди. Бу баландпарвоз гап эмас. Бундай ғамхўрликни шахсан мен илгари кўрмаганман.

Шу ўринда, фикрим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун битта-иккита мисол келтирмоқчиман. Бугун малакали журналист кадрлар тайёрлаш борасида қатор ютуқларга эришилгани сир эмас. Истиқлолимиз меваси бўлган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети ташкил этилиб, унда таҳсил олаётган талабалар журналистика сир-асрорларини ўрганиш билан бир қаторда, хорижий тилларни мукаммал эгаллашмоқда. Бу ўзбек журналистикаси жаҳон билан юзлашмоқда деганидир. Яна Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети қошида икки йиллик Олий журналистика курси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, журналистлар ижодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Энг улуғ, энг азиз» танлови ташкил этилган. 2005 йилда эса «Олтин қалам» Миллий мукофоти таъсис этилди. У соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада оширишга ёрдам бермоқда ва ўзига хос маънода ижодий рақобат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Бу каби ғамхўрликларни кўриб, яна бир бор мустақиллигимизга шукрона айтгим келади. Куни кеча байрам муносабати билан ўтказилган тадбирда ёш журналистлар қатори мен ҳам иштирок этдим. Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган байрам табрикларини тинглар эканман, ўзбек журналистикасининг келажаги бундан-да порлоқ эканига амин бўлдим. Чунки Юртбошимизнинг журналистларга бўлган ҳурмат-эътибори чексиз эканини дилдан ҳис қилдим.

Тақдирлаш маросимида эса жуда ҳаяжонландим. Чунки бир гуруҳ кекса ижодкорлар қатори мен ҳам **Президентимизнинг махсус совғасига** сазовор бўлдим. Қаранг, биз фахрийлар ҳам эътибордан четда эмасмиз. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдираман. Кучим борича, умрим охиригача азиз Ватанимизга хизмат қиламан.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давоми. Боши 1- бетда

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаёган ўзгартиш ва қўшимчалардан кўзланган асосий мақсад ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш шароитларини янада мукаммаллаштиришдан, уларни иш билан, замонавий уй-жой, маиший ва тиббий шароитлар билан таъминлашда ҳуқуқлари ҳамда кафолатларини кенгайтиришдан, шунингдек, Қонуннинг нормалари ва ҳуқуқий механизмларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқ равишда ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Сенаторлар ушбу Қонуннинг асосий мақсади қимматли қоғозлар бозорининг имкониятлари ҳамда афзалликларини рўёбга чиқаришга янги ва илғор молиявий воситаларни кенг жорий этиш соҳасида бозор муносабатларини бошқариб ва тартибга солиб боришдан иборат эканлигига алоҳида урғу бердилар. Молия бозорини янада эркинлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг замонавий талаблари, шартлари ва энг муҳим устувор йўналишларига мос келадиган мазкур Қонуннинг маъқулланиши инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида ишончли тарзда ва эркин фаолият олиб бориши учун уларнинг ҳуқуқлари кафолатлари рағбатлантирилиши ва мустаҳкамланишига, мамлакатнинг инвестиция имкониятлари кенг сафарбар этилишига, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтиришга, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, Қонуннинг асосий мақсади чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш ҳолларининг олдини олишдан иборат. Хусусан, Жиноят кодексининг 224-моддасида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки тураржой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги учун жавобгарлиги кучайтирилган. Сенаторларнинг фикрича, Қонун ғайриқонуний миграцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиши юзасидан жавобгарлигини оширишга имкон беради.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асосида сенаторлар шуни таъкидладиларки, ушбу Қонундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг айрим нормаларини Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан белгиланган стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, барча вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар авиацияси, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида учишларни амалга оширувчи чет эллик фойдаланувчилар авиацияси парвозларининг асосий қоидаларини тартибга солиш, қоғозда ёки электрон ифодада расмийлаштириладиган, ташишга оид ҳужжатлар рўйхатини кенгайтиришдан иборат. Сенаторлар томонидан Қонун маъқулланди.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Сенаторлар мазкур Қонуннинг асосий мақсади кичик бизнес ривож топиши учун мақбул шароит яратиш, иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқувчиларнинг ўз ишланмаларига ҳуқуқий муҳофаза олиш учун қиладиган дастлабки харажатларини ихтирога патент бериш ҳақидаги талабномаларнинг кечиктирилган экспертизаси тизимини жорий этиш орқали қисқартиришдан иборат эканлигига эътиборни тортдилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ихтиро сифатида ҳуқуқий муҳофаза берилиши мумкин бўлган объектлар рўйхатидаги чекловларни йўқотади, ихтиронинг техникавий хусусиятини таъкидлайдиган мезонларни жорий этади, шунингдек, патентнинг амал қилиши вақтинча тўхтатилган даврда саноат мулки объектидан ҳалол ва виждонан фойдаланувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қоидаларни қамраб олади. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Сўнгра сенаторлар «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Бугунги кунга қадар мазкур Протокол 116 давлат томонидан ратификация қилинган. Бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда иштирокчи-давлат томонидан одам савдосига қарши кураш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш (одам савдосининг олдини олиш, жабрланувчиларига тегишли ёрдам кўрсатиш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жиноий таъқиб қилиш, бошқа иштирокчи-давлатлар билан ҳамкорлик қилиш), шунингдек, бу масалада миллий механизмларни такомиллаштириш назарда тутилади.

Протоколга қўшилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш тизими янада такомиллаштирилишига, одам савдоси жиноятидан жабр кўрган шахсларга ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилишига, уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишига, бу соҳада халқаро ҳамкорлик кенгайтирилишига ёрдам беради.

Бундан ташқари сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Сенаторлар бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

☑ ЎзХДП ҳаёти

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

ёки янги тафаккур соҳибларини тарбиялаш масъулияти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашида давра суҳбати бўлиб ўтди. Туман кенгашлари раислари, маҳаллалар фаоллари, олимлар, ёшлар иштирок этган суҳбат мавзуси жамиятда юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига бағишланди. Шунингдек, унда миллий ғоя ва партиянинг сиёсий мафкураси, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада ривожлантириш ҳақида ҳам фикр юритилди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Рашид Муртазаев бу борада партиямиз олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлади ва меҳр-оқибат, хайр-саховат, қадр-қиммат каби тушунчаларни ёш авлод онгига муҳрлаш вазифалари ҳақида тўхталди.

Очил ЭРГАШЕВ, Қарши давлат университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори:

— Маънавий-маърифий масалалар ҳамиша эзгу иш бўлиб қолаверади. Миллий ғоямизнинг асосини ташкил этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, комил инсон тарбияси бизнинг бош мақсадимиздир. Халқимиз табиатига хос илму маърифат, юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамайди. Амир Темур, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний каби буюк инсонларнинг авлодимиз. Буюк тарихимиз бор. Буни ёшларимиз, фарзандларимиз онгига сингдирайлик. Кимдир Интернет ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаяпти, деган фикрни билдиряпти. Аммо бугун глобаллашув даври. Дунёга ўз сўзини айта оладиган, фикри равшан ёшлар камол топмоқда. Бу ўринда ёшларга турли чекловлар қўйиш эмас, балки уларнинг маънавиятини юксалтириш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик долзарб масаладир. Маънавиятимиз чашмаларидан баҳра олаётган ёшлар ҳеч қачон ёт мафкура ва ғоялар таъсирига тушмайди. Бу борада оила ва мактабнинг беқиёс ўрни бор. Энг ёмон иллат лоқайдликдир. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя доимий шиоримиз бўлиши керак.

Али РАВШАНОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди:

— Мен 14 йил Қарши шаҳридаги маҳаллалардан бирининг оқсоқоли бўлганман. 2005 йилда маҳалламизга келган бир хорижлик меҳмон билан уч соатдан кўп саволжавоб қилдик. «Маҳалла нима ўзи?» сўради, у. Мен «Маҳалла» тушунчаси ҳақида «Авесто» китобида битилгани, миллий ўзлигимиз, қадр-қиммат, саховат ҳақида гапирдим. Маҳалланинг маънавият ўчоғи эканини таъкидладим. Ёшлар тарбиясида унинг алоҳида ўрни борлигидан меҳмон ҳайратга тушди.

Ёшларимиз яхши-ёмон, оққорани адашмай ажратиб олишяпти. Эсимда, Юртбошимиз Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари кунлари янгидан таъмирланган «Одина» масжидида ёшлар билан суҳбатлашар экан, талабаларимиз шу жой «Ўзликни англаш маркази» бўлса деган истакни билдиришди. Мамлакат раҳбари уларни қўллаб-қувватлади. Қалби маънавиятга ошно, ўзлигини англаган ўғил-қизларимизни камолга етказиш муқаддас вазифамиз, бўлиб қолмоғи шарт.

Мўътабархон АСОМОВА, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Шаҳрисабз туман кенгаши бош маслаҳатчиси:

— Билдирилаётган фикрлар жуда ўринли. Чиндан ҳам маънавиятни шакллантиришда маҳалланинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Туманимизда 63 та маҳалла бор. 2004 йилдан бошлаб маҳаллаларда диний-маърифат, маънавий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсата бошлагани айни муддао бўлди. Бу борада анча ишлар қилинаяпти. Бироқ фаолиятимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳар бир оила, ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш, уларни меҳнатга жалб этиш, ёлғиз, кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш ишларини изчил олиб бориш юқори самара бериши шубҳасиз.

Қаҳрамон ТОҒАЕВ, Қарши шаҳридаги 34-мактаб директори ўринбосари, ЎзХДП фаоли:

— Маънавий тарбия, аввало, оиладан бошланади. Қуш уясида кўрганини қилади, деган халқ нақли бежизга айтилмаган. Бу ўринда оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги яхши натижа беради. Мактабда болаларга тарихимиз, миллий қадриятларимиз ҳақида янада кўпроқ тушунча берайлик. Қарши шаҳри марказидаги хиёбонга ота-оналари билан келган болалар «Элюрт таянчи» ҳайкали ҳақида албатта сўрайди. Ота-она, ўқитувчилар бу ҳақда ёшларга батафсил сўзлаб беришлари лозим. Болаларимизни тез-тез ана шундай жойларга олиб келишимиз зарур. Бундан ёшлар қалби тўлқинланади, ғурурга тўлади.

Рўзигул ХОЛМАНОВА, Ўзбекистон ХДП Ғузор туман кенгаши раиси:

— Самарқанддаги Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда мажмуаси, тарихий шаҳарларимизга ёшларнинг саёҳатларини тез-тез уюштириб туриш керак. Улар Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкаллари, Тошкентдаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ва бошқа муқаддас жойларда бўлганида ғурурлансин. Бу — бизнинг тарихимиз, мустақиллик йилларидаги ҳаётимиз, ифтихоримиз, деган ҳисни кўнглидан ўтказсин. Маънавий бойликларимизни кўз қорачиғидай асрашни ҳам ўргансин.

Хорижда қолиб кетган юртдошларимизнинг фарзандлари туманимизга келишганида, тупроғимизни кўзларига суртиб йиғлаганини кўрганман. Негаки, бу Ватан соғинчи. Энг улуғ маънавий бойлик — юракда Ватанга бўлган муҳаббатдир.

Суҳбат очиқ мулоқотлар, фикр алмашувлар руҳида ўтди. Тадбир якунида бундай учрашувларни чекка ҳудудларда ҳам кўпроқ ўтказишга келишиб олинди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

Давоми. Боши 1- бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Миллий матбуотимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган ёши улуғ журналистларни эзозлаш, уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, меҳнатини қадрлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2008 йил 26 июнда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари фахрийларини моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги фармойиши бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ана шу фармойишга мувофиқ мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, касбига фидойилиги билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ матбуот фахрийларига мукофотлар топширилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганидан жуда миннатдормиз, — дейди фахрий журналист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Мақсуд Қориев. — Бу матбуотдек машаққатли ва масъулиятли соҳага кўп йиллар давомида меҳнати сингган инсонларни қадрлаш, уларга эҳтиром кўрсатишдек эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Биз, фахрийларга кўрсатилаётган доимий ҳурмат ва эътибор учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ўрни ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда барча жабҳаларда бўлгани каби миллий матбуотимизда ҳам юртимизнинг таянчи ва суянчи бўлган навқирон авлоднинг орзу-интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Журналистика соҳасида изланаётган, ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган иқтидорли қаламкашларни рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар миллий журналистика ривожига йўналтирилган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳаларда, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» кўрик-танлови ғолибларига совринлар топширилди. Айни пайтда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида спорт соҳасини ёритувчи журналистлар ўртасида ўтказилган танлов ғолибларига ҳам совринлар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбир иштирокчилари учун санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Бадиий академияси

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Истиқлол йилларида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари замонавий тус олиб, тобора кўркамлашиб бормоқда. Хусусан, 2200 йиллик тўйини нишонлаётган пойтахтимиз Тошкент шаҳрида кўплаб анъанавий ва замонавий меъморчилик мажмуалари қад ростламоқда, гўзал истироҳат боғлари ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Мазкур мажмуалар ва хиёбонларни пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг маданий ҳордиқ чиқариши, ёшларнинг эстетик тарбиясига хизмат қилиши учун замонавий ижодий намуналар билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги хиёбон ўриндиқлари (скамейкалари) лойиҳаси учун

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1.Танловда барча профессионал ижодкорлар ва ҳаваскорлар қатнашишлари мумкин.

2. Танлов ҳайъати ғолиб деб топган энг яхши лойиҳа Тошкент шаҳри парк ва хиёбонларида фойдаланилади.

3. Танловга ишлари қабул қилинган иштирокчиларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари ва Бадиий академия махсус дипломлари топширилади.

4. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

5. Танловга қабул қилинган лойиҳа ва эскизлар эгаларига қайтарилмайди ва (муаллифлик ҳуқуқи сақланган ҳолда) ҳокимликлар ва ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Қўшимча маълумотлар учун: тел. 256-34-07

Танлов муддати:
2008 йил 20 июнь-10 июль

Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 40-уй, Ўзбекистон Бадиий академияси биносида қабул қилинади.

ИСТИҚЛОЛГА ҲАМОҲАНГ

бўлган газетамиз мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий қиёфаси, шакл-шамойилини топди

1991 йил 1 сентябрь! Ватанимиз мустақиллигининг биринчи куни. Ва айнан шу куни мамлакатимиз матбуоти тарихида яна бир катта янгилик содир бўлганини биласизми? Худди ўша кун тонгда «Ўзбекистон овози» газетасининг янги биринчи сони дунё юзини кўрган! Гарчи газетамиз ўзбек матбуотида ўзига хос ўтмишга эга бўлсада, янги номи-ю ўзгача қиёфаси, мақсад-муддаоси билан шу кундан эътиборан тандирдан узилган иссиқ нон тафтидай минглаб ўқувчилар юрагига яқин бўлиб қолди.

Куни кеча эса таҳририят жамоаси турли йилларда шу мўътабар даргоҳда ижод қилган фахрийлар билан бир пиёла чой устида дийдорлашишди. Айниқса, кекса ижодкорлар ҳукуматимиз томонидан ўзларига кўрсатилаётган чексиз ҳурмат ва эътибордан мамнун эканликларини, бугунги ёш қаламкашлар учун яратилаётган шароитларга ҳавас қилишаётганини алоҳида таъкидлашди. Фахрийлардан Дилбар Маҳмудова, Мақсуд Қориев, Миршароф Муҳсимовлар ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган газетанинг бугунги фаолияти ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, таҳририят жамоаси уларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб, турли байрамларда йўқлашаётганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этишди.

Энг қувончлиси, қалам аҳлининг касб байрами баҳонасида кўп йиллар бир-бирлари билан учрашолмаган ижодкорлар юз кўришиб, чин дилдан гурунглашдилар. Байрам кечаси чин маънода ижодий учрашувга айланиб кетди. Ажойиб санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар даврага файз бағишлади.

Моҳинур ҚОДИРОВА

Topshirilgan vaqti — 01.20

Нигоҳ

АЙТИЛМАГАН СЎЗ

биз уни бир умр излаймиз, гоҳи топамиз, гоҳи...

...Ўтган йилнинг айни саратон чилласида Навоий вилоятининг Конимех туманига, тўғрироғи, олис Қизилқум даштларига йўлим тушганди. Ва ўшанда сўзга чечан, ҳазилкаш Миқтибой Ўтемуратов деган бир одамнинг биз журналистлар ҳақидаги ярим ҳазил, ярим чин маънода айтган гаплари ҳалиҳали эсимда: «Бовурим, сизга бир ҳақиқатни айтайин. Керак бўлса ёзиб олинг. Агар хотирам алдамаса, 1976 йилда мана шу «Қизилқум»да 90 та хўжалик **(оилалар назарда тутиляпти — муал.)** бор эди. Бугун эса 600дан ошиб кетди. Уч ярим мингга яқин аҳоли яшайди бизнинг хўжаликда. Навоийдан келяпсизми бу ёқларга, тўрт юз чақиримча йўл юрибсиз-да, бориш-келиш 800ми, энди ўйланг, бундан роппа-роса 10-16 йил аввал ишонсангиз, шунча йўлни босиб, раис ё ҳисобчи эмас, оддий одамлар ҳам сарсон-саргардон бўлиб, бир парча қоғоз учун ҳатто икки-уч кунлаб шаҳарда қолиб кетарди. Яна бир хомаки қиёслашимга эътибор беринг: Аввллари бирор чўпон-чўлиқ мошинни-ку қўяверинг, оддий мотоцикл олсаям «қайси пулингга келди бу?» деб сўровчилар кўп эди. Ёлғон денг-чи, чин, укажон, бугун эса қаранг, ҳар оилада биттадан «Нексия» ё «Матиз» бор. Туя, мол, қўй-эчкиларини айтиб ўтирмайин. Мотоцикллар бўлса ҳозир ҳисобгаям кирмайди. Яна бир гап, қизилқумлик оддий чўпон узоқ Германияда ўқиётган ўғли билан бемалол «сотка»да гаплашиб ётибди. Бундай ўзгаришлар кимнинг тушига кирувди бир замонлар? Мен сизга буларни бекорга айтмаяпман, журналистсиз, турли жойларга борасиз, ҳар хил одамлар билан гурунглашасиз. Ҳадеб баландпарвоз, қуруқ гапларни айтгандан-ёзгандан кўра, мана шундай жонли, ҳаётий мисоллар баҳонасида бу буюк неъматнинг мазмун-моҳиятини кўрсатиб берсангизлар бўлмайдими? Билмайман, негадир бизни Қизилқумга мухбирлар кам келади. Баҳорда кеп қолади учтўрттаси. Кейин кўринмайди. Тўғри, йўл узоқ, лекин бу ёқдаям ёзса, кўрсатса бўладиган жуда катта янгилик, ўзгаришлар кўп ахир!..»

Очиғи, Миқтибой оғанинг чин дилдан айтган бу самимий эътирофларию, озгина киноя аралаш билдирган гиналари тўғри эди. Чунки биз журналистлар «теша тегмаган» мавзулар излаб кўпроқ одамлар орасида юрамиз. Чин маънода фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган ва яшаётган замонамиз қаҳрамонлари ёхуд кейинги ўн йиллар орасида бутунлай таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган шаҳар — қишлоқларимиз ҳақида баҳоли қудрат ўз сўзимизни айтаяпмиз. Лекин бу билан тақдир — қисмат пешонамизга катта ҳарфларда битиб қўйган ЖУРНАЛИСТ деган шарафли номни халқимиз, эл-улус олдида оқлаяпмиз, десак, қай даражада ҳақиқатни айтган бўламиз?

Беихтиёр бугун яъни касб байрамимиз кунида кўнгилдан кечган бир мулоҳаза: У ҳам бўлса Озодликда кечаётган давр руҳини ўзининг халқона ёзиш услублари орқали одамларга зўр маҳорат билан етказмоққа қодир бўлган қаламкашлар, публицистлар ижодига, овозию нафасига бўлган жиддий ташналикми ё эҳтиёжми, билмадим, ана шундай «ёзмаса туролмайдиган»ларни соғинмаяпмизми? Мақсуд Қориев, Дилбар Маҳмудова, Худойберди Тўхтабоев, Нусрат Раҳмат, Асад Асилов, Охунжон Ҳаким, Миршароф Муҳсимов, Тўлан Низом, Қурбон Эгамбердиев, Фозил Зоҳид... Бу рўйхатни яна давом эттиришим мумкин. Шу баҳонада қизиқ бир ҳолатга дуч келдим. Яъни ёзаётганлар ва ёзмаётганлар... Биринчи тоифадагилар кўпроқдай назаримда. Анвар Обиджон, Муҳтарама Улуғ, Матназар Абдулҳаким, Хуршид Дўстмуҳаммад, Аҳмаджон Мелибоев, Кутлибека, Сайди Умиров, Алиқул Хонимқулов, Рейимбой Ешимбетов, Юнус Узоқов, Михли Сафаров, Гулчеҳра Жамилова, Олимжон Усанов, Ойбуви Очилова, Иброҳим Норматов ва ниҳоят, бир гуруҳ ёш, ўзига хос ижодкорлар ҳам миллий журналистикамизга кириб келишяптики, бундан фақат қувонмоқ керак. Улар кимлар дейсизми? Беҳзод Фазлиддин, Иқбол Қўшшаева, Жасур Кенгбоев, Саиджон Махсумов, Наргиза Тўхлиева, Рустам Жабборов, Адиба Умирова, Абдували Соипназаров, Лайло Ҳайитова, Дилноза Авезова, Беҳзод Шукуров ва бошқа яна ўнлаб иқтидорли йигит-қизлар ижоди кўнгилга умид бағишлаётир. Булар бевосита газета — журналлар саҳифаларида номлари тез-тез кўриниб турганлар. Лекин радио ва телевидениеда фаолият юритаётган ҳамкасбларни ҳам санайдиган бўлсак, улар давраси янада кенгаяди. Демак, «бу гулшан саҳнида гул кўп, чечак кўп»...

Хўш, ортимиздан келаётган ёш авлод бизларнинг ҳаёт ва ижод борасидаги қайси бир тажрибамизни ўзларига намуна қилиб олаяпти? Қолаверса, уларга тўғри йўл кўрсата олаяпмизми ўзи? Ёхуд журналистикамизнинг мамлакатимиздаги бугунги тенгсиз ўзгаришлар ва дунё миқёсида эътироф этилаётган ҳам сиёсий-маънавий, ҳам иқтисодий-ижтимоий тараққиёт босқичлари билан баб-баравар одимлай олмаётгани сабабларини уларга тўғри таҳлил этиб бера олаяпмизми? Ва энг муҳими, мамлакатимиз Президенти таъбири билан айтганда, **«Тақдир — қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида»** биз — қалам аҳлига билдирилган юксак ишонч ва эътиборни қай даражада оқлаяпмиз? Ана шундай долзарб ва ҳаётий саволларга ўзимизнинг тўғри ва адолатли сўзимизни айтиш орқалигина жавоб топмоғимиз мумкинлигини Ватанимизда кечаётган тарихий жараёнлар кўрсатиб турибди.

Дарвоқе, АЙТИЛМАГАН СЎЗни эса топиш ҳам, айтиш ҳам осонмас. Бизлар умримиз бўйи ана шу ҳақиқатни кутиб яшаймиз. Негаки, айтилажак сўзимиз ҳар доим самимий, рост бўлса, чин юракдан айтилсагина халққа ҳузур бахш этади, одамлар кўнглига кириб боради. Сўзга суянган ижод аҳли олдида эса ҳар доим катта қарздорлик туйғуси туради. Бу сизу бизнинг олтин бешигимиз, ҳар қандай таърифу тавсифларга лойиқ бўлган Ватан ҳақида айтилмаган буғдой сўзимизни айтмоқ шарафидир. Илло, ана шундай СЎЗни айтмоқлик бахти ҳар биримизга насиб этсин!

Норқобил ЖАЛИЛ



Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ — СУРХОН ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 4-1. Қумқўрғон тумани «К-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2-3-босқич ишларини амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 249,946 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Лот 4-2. Музробод тумани «К-5 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объекти ишларини амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 52,051 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Лот 4-3. Қизириқ тумани «К-2 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 46,725 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Лот 4-4. Шеробод ва Музробод туманлари «К-3 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2-3-босқич ишларини амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 130,665 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Лот 4-5. Шеробод ва Музробод туманлари «К-4 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2-босқич ишларини амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 90,257 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Манзили: ***Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.***

Тел/факс (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — "Ўздавархитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А. Темур кўчаси, 69-уй.

Телефон/Факс: (8-376) 222-44-43, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилочисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2008 йил 31 май, 68-сонидаги эълонда кўрсатилган 1-жадвал сарлавҳасидаги «танлов савдолари» сўзи «аукцион савдолари» деб ҳамда 2-жадвалда кўрсатилган 2-сонли коттежнинг сотилиш нархи 19 000,0 минг сўм, 3-сонли коттежнинг сотилиш нархи 34 000,0 минг сўм деб ўқилишини маълум қилади.

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

қуйидаги объектлар шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилиши давом эттирилаётганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уйда жойлашган «Ўзбекистон шампани» ОАЖ балансида бўлган 100 дона «Е-1500» русумли цистерналар. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 902 бўлган «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 300 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мусахонов кўчаси, 38-уйда жойлашган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 723 бўлган «ГАЗ-2401» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 750 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Я.Гуломов кўчаси, 66-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси балансидаги 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 769 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 4 500 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Чимбой кўчаси, «Талант» тор кўчаси, 3-уйда жойлашган O`zbekiston Respublikasi Sog`liqni saqlash vazirligi Pediatriya ilmiy-tekshirish instituti тасарруфидаги 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 846 бўлган «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 1 200 000 сўм.**

Шунингдек, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Чиланғар кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 га. бўлган 2 та ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи, ҳар бири 2 295 000 сўм бошланғич баҳо билан қўйилади.

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган, ушбу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал, ер майдонларига савдодан уч кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан камида 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

2008-2009 ўқув йили учун қабул эълон қилади:

БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Касб таълими (маданият ва санъат).
2. Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик.
3. Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича).
4. Ижтимоий-маданий фаолият.
5. Халқ ижодиёти (турлар бўйича):
   а) оммавий байрамлар режиссураси;
   б) фольклор-этнографик жамоалари ташкилотчиси;
   в) вокал жамоалари ташкилотчиси;
   г) чолғу жамоалари ташкилотчиси;
   д) халқ ашула ва рақс ансабли ташкилотчиси

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

1. Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик (соҳалар бўйича).
2. Ҳужжат юритиш, ҳужжатшунослик ва архившунослик.
3. Ахборот-кутубхона маркетинги.
4. Маданиятшунослик.
5. Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича).
6. Маданият социологияси.
7. Ижтимоий-маданий фаолият рекламаси.
8. Оммавий байрамлар ташкилотчиси.
9. Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик.
10. Халқ чолғу асбоблари ансамбли, ашула ва рақс жамоаларига раҳбарлик

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ялангоч даҳаси, 127-«А» уй. Телефон: 262-27-99

Молия муассасаларида

МИЖОЗГА ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ

— дейишмоқда акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» ходимлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш — мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам маълумки, кичик бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга қараганда катта маблағ сарфини кам талаб қилади, кичиклиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартира олиши ва ишлаб чиқаришни жадал модернизациялаш имкониятига эгалиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Боз устига кичик тадбиркорлик бозор коньюктурасининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олади. Айниқса, бу ҳолат мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро андазалар талаблари даражасида йўлга қўйиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, истеъмол моллари бозорини сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлашда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёсдир.

Молия муассасалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ишбилармон юртдошларимизга ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Буни республика акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»и фаолияти ҳам яққол исботлаб турибди. Банк жамоаси кейинги йилларда алоқа, саноат, савдо, транспорт хизмати, таъмирлаш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун самарали маблағ қўйиш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «FWS & CUNION» масъулияти чекланган жамияти мазкур молия муассасасининг ишончли мижозларидан ҳисобланади.

— Тўрт йил муқаддам мактаблар учун зарур бўлган жиҳозлар ва мебель ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйгандик, — дейди жамият раҳбари Умиджон Қўлдошев. — Табиийки, ишни бошлаш учун сармоя зарур эди. Ана шунда «Алоқабанк» жонимга оро кирди. Банк мутахассислари кредит олишим учун барча маслаҳатларни беришди. Зарур бўлган ҳужжатларни тақдим қилганимдан сўнг қисқа муддатда 60 млн. сўм миқдоридаги кредит ажратишди. Ишларимиз юришиб кетди. 2006-2007 йилларда 100 млн. сўм кредит олдик. Дарвоқе, бу маблағларни ўз вақтида қайтардик. Ҳамкоринг ишончли бўлса, ишинг бароридан келади, деб бежиз айтишмас экан. Жорий йилда 120 млн. сўм кредит олдик. 50 киши иш билан таъминланди. Ҳозир 200 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқараяпмиз.

— «Алоқабанк» менга қандай молиявий кўмак кўрсатганлигини сўз билан ифодалашим мушкул, — деб таъкидлайди яна бир суҳбатдошимиз «Барс мотор ойл» МЧЖ таъсисчиси Шоаҳмад Газиев. — Ўтган йил бошида корхонамизни ривожлантириш мақсадида кредит сўраб, банкка мурожаат қилгандим. Тегишли ҳужжатларни тақдим этганимдан сўнг бу масалани тезда ҳал қилиб беришди. Молия муассасасининг ҳақиқатан ҳам «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига қатъий амал қилишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. 48 млн. сўмлик кредит эвазига мотор мойини ишлаб чиқаришга киришдик. Маҳсулотларимиз сифатли ва харидоргир. Кредитни эса ўз вақтида қайтардик.

Тошкент туманидаги «Барс мотор ойл» МЧЖ маҳсулотларига бўлган талаб катта. Ички бозор эҳтиёжини қондириш ва маҳсулотларни экспорт қилишни кўзлаётган жамоа яқинда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун яна банкка молиявий кўмак сўраб мурожаат қилганди. Бу масала ҳам банк мутахассислари томонидан ижобий ҳал этилди. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

«Алоқабанк» кредитлаш бошқармаси бошлиғи Рашид Тўраевнинг таъкидлашича, 2008 йил бошидан банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 20 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилди.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун барча шароитларни яратиш борасида кенг қамровли ишлар қилинишида Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бу борада банк томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, ёш оилалар учун Фарғона шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида 2 та уй бунёд этилмоқда. Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида 32 та ёш оила ўз ҳовли тўйларини ўтказишади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эълон қилинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш йўлида мижозларга ҳамиша камарбаста бўлишга интилаётган «Алоқабанк» хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШ — ЮКСАК ШАРАФ!

ёки миллий чемпионат савиясини ошириш, мамлакат терма жамоалари ва футбол клубларини халқаро андозалар даражасига кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида

Европада катта футбол байрами ниҳоясига етаётган шу дамларда мамлакат миллий чемпионати якунловчи даврасини бошлашга, жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг тўртинчи босқичида самарали иштирок этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Биз шу муносабат билан Ўзбекистон футбол Федерацияси президенти М.Усмоновга мурожаат қилдик.

— Мираброр Зуфарович, ҳадемай мамлакат миллий чемпионатининг биринчи давра ўйинлари ниҳоясига етади. Агар дастлабки ярим йиллик натижалар сарҳисоб қилинадиган бўлса, нималар қўлга киритилдию, қандай имкониятлар бой берилди, деб ўйлайсиз?

— Бу йилги мавсумнинг биринчи ярми ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ижобий ва салбий натижалар борлиги кўзга ташланади. Йил бошида Тошкентнинг «Пахтакор» клуби яна анъанавий МДҲ кубоги халқаро турнири финалига йўл олиб, сўнгги ўйинда Озарбойжоннинг «Нефтчи» жамоасига имкониятни бой берди. Бу билан мураббий Равшан Ҳайдаров шогирдлари ўтган йили эришилган ғолиблик тасодиф эмаслигини исботлаб беришди. Яна бир клубимиз — «Қурувчи» эса Осиё чемпионлар лигасининг плей-офф босқичида қатнашиб, бир қатор қизиқарли, ҳатто кутилмаган ғалабалари билан мухлисларни мамнун этди. 2008 йилни — терма жамоалар йили деб атагим келади. Сабаби — шу йилнинг ўзида мамлакатнинг ўсмирлар, ёшлар ва миллий терма жамоалари Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб бормоқда.

— Жаҳон чемпионати финал босқичига чиқиш учун миллий терма жамоамиз тўртинчи марта уринмоқда. Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўйнайдиган 32 омадли жамоа орасида Ўзбекистон футболчилари ҳам бўлишини, байроғимиз ҳилпираб, мадҳиямиз янграшини жуда-жуда истаймиз.

— Кўпчилик айни чоғда Европа чемпионати ўйинларининг сўнгги — ҳаяжонли лаҳзаларини томоша қилаётгани табиий. Футболчиларнинг ўз давлати мадҳиясини баралла, жўр бўлиб айтишини кўриб, баъзан ўйлаб қоласан киши. Бизнинг терма жамоа аъзолари ҳам мадҳиямизни ана шундай куйлаши мумкин-ку! Ахир ватанпарварлик туйғуси жаранглар ва маънодор мадҳиямизни жўшиб куйлашдан бошланмайдими? Токи, мадҳияни куйлаётганда кўзидан ёш чиқсин, юраги жиз этсин, этлари жимирлаб кетсин.

— Тўртинчи саралаш босқичи, албатта, жиддий синов. Унда кучсиз жамоага ўрин йўқ. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ана шу мусобақага тайёргарликлар доирасида қандай ишларни режалаштирмоқда?

— Мусобақа тақвимига кўра, терма жамоамиз 4-саралаш босқичини 6-сентябрь куни бошлайди. Мазкур ўйинларга тайёргарлик кўриш мақсадида Рауф Инилеев биринчи йигинни август ойининг охирги ҳафтасида ташкил этишни режалаштирган. Умуман олганда, терма жамоа футболчилари учун ўйинларга тайёргарликнинг асосий қисми клубларда ўтади. Режага кўра, Украина ёки Хитой терма жамоалари билан Тошкентда ўртоқлик учрашувлари ўтказишимиз керак. 4-босқич, умуман бошқача мусобақа. Албатта, эҳтиёткорлик билан ўйнаш талаб этилади.

Мени, кўпроқ ҳимоя чизиғи ташвишга солмоқда. Ҳар қалай терма жамоамиз, Осиёда ўз ўрнига эга эканлигини 3-саралаш босқичида намойиш этди. Хорижлик мураббийлар ҳам бизнинг имкониятимизни юқори баҳоламоқда. Аммо бу босқичга чиққанимизни пеш қилиб, кўп гапиришдан энди фойда йўқ. Барча диққат-эътиборни жаҳон чемпионати финал қисмига йўлланмани қўлга киритишга қаратишимиз керак.

— Кучли терма жамоани кучли чемпионат шакллантиради. Чемпионатимиз савияси тобора ошаётганлигини натижалардан ҳам кўрса бўлади. Шунга қарамай, Осиё Футбол Конфедерациясининг профессионал лигаларини тузиш бўйича қўмитаси 2009 йилги Осиё чемпионлар лигаси учун бизнинг клубларга бор-йўғи яримта йўлланма ажратди. Айтинг-чи, қўмитанинг асл мақсади ва бундай қарор замирида қандай маъно бор?

— Қўмитанинг асосий мақсади ОФК профессионал лигалари ва клубларининг даражасини кўтариб, Европа билан етарли рақобат туғдириш орқали қитъада профессионал футболни ривожлантиришдан иборат. Бунинг учун Осиё мамлакатларида профессионал футбол клубларининг иштирокига асосланган профессионал лигаларни тузиш асосий стратегия қилиб олинган. Бунда муайян бир мамлакатдаги лига ўйинларига ишқибозларнинг ташрифи, футбол клублари ва мусобақалар шакл-шамойили, стадионлар ва ўқув-тайёрлов базалари, футболнинг ОАВда ёритилиши ҳамда профессионал лигани алоҳида ташкилот сифатида ўз бошқарувига эга бўлиши асосий мезон қилиб олинди. Унутмаслик керак, профессионал лиганинг муваффақиятли фаолияти профессионал футбол клубларнинг қандай тузилганлиги ва уларда иш қай даражада ва қандай кўринишда йўлга қўйилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

— Сиз ОФК қўмиталаридан бирида ҳам фаолият юритасиз. Ана шу ташкилотнинг расмий вакили сифатида келгуси йилдаги чемпионлар лигасининг ўтказилиш тартиби ҳақида гапириб берсангиз?

— 2009 йилда Осиёдаги клублар 16+16 шаклида мусобақаларда иштирок этишади. Бу — Осиёнинг ғарбий ва шарқий минтақасидаги 16 тадан жамоа 2009 йилги Осиё чемпионлар лигасида ўйнайди дегани. Ўзбекистон ғарбий минтақада тўп суради. Бу ҳудудда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эроннинг 4 тадан жамоаси Чемпионлар лигасида ўйнайди. Айнан шу мамлакат клублари ўзига хос уч гуруҳни ташкил қилади. Иордания, Қувайт ва Ҳиндистон эса биттадан тўғридан-тўғри йўлланмага эга. Ўзбекистон учун бундай йўлланма йўқ. Сурия, Қатар, Уммон ва Бахрайнда ҳам шундай. Осиё чемпионлар лигасида ўйнаш учун ўзбек клуби Сурия ва Қатар клублари билан плей-офф мусобақаларида беллашади. Шунда ҳам уч давлатга битта йўлланма берилади. Ўзбекистон, Сурия ва Қатарнинг биттадан жамоаси савияси ва нуфузи бироз паст ҳисобланган ОФК Кубогига тўғридан-тўғри йўлланмага эга. Лига ўйинлари деярли Европа чемпионлари лигасининг гуруҳ босқич баҳслари каби ўтказилади. 32 жамоа 8 та гуруҳга бўлинади. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар плей-офф босқичи йўлланмасини қўлга киритиб, бетараф майдонда ўтказиладиган финал учрашувида иштирок этиш учун кураш олиб борадилар. Осиё чемпионлари лигаси ўйинлари 2009 йилда айнан плей-офф баҳслари билан бошланиб, ноябрь ойида финал учрашуви билан тугаши кўзда тутилган.

Сўзсиз профессионал футбол лигасини ташкил этиш 1 ёки 2 йилда қилинадиган иш эмаслиги аён. Бунинг учун йиллар давомида тўпланган тажриба керак бўлади. Аслида, Ўзбекистонда профессионал футбол лигасини аллақачон тузиш мумкин эди, аммо бундай қарорга футбол клублари ҳали тайёр эмасди. Мана шу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматимизнинг профессионал футболни ривожлантириш билан боғлиқ Қарори эълон қилинди. Ана шу қарор асосида ишлаб чиқилган тадбирлар режасига кўра, футбол жамоаларига профессионал футбол клублари мақоми берилди. Уларнинг фаолиятлари чуқур ўрганилди. Талабга жавоб бермайдиган «Тўпаланг», «Трактор» каби жамоаларга тегишли чоралар кўрилди. Ҳакамлар ва мураббийларни тайёрлаш, уларнинг фолиятини назорат қилиб, лицензиялаш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон ҳакамлар ва мураббийлар мактаби ташкил этилди.

Бундан ташқари, профессионал футбол клубларига болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари бириктириб берилди. Шу тариқа, Ўзбекистонда профессионал футбол лигасини тузиш вақти келди. Ҳозир бу иш қилинмаса, эртага кеч бўлади. Зотан, ОФК ҳам бу борада огоҳлантирувчи қўнғироқни чалиб бўлди. Биз яқиндагина Профессионал лига таъсисчиларининг йиғилишини ҳам ўтказдик. Лигани ҳам тузидик. Унга ўзбек футболида ўз номига эга бўлган Фарҳод Магомедов бош директор этиб тайинланди. Лига ўз фаолиятини август ойига қадар бошлаб юборади. Бу ташкилот Олий лига (асосий таркиб ва ўринбосарлар мусобақалари), биринчи лига, Ўзбекистон Кубоги, профессионал клубларнинг тайёрлов клублари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати, иккинчи лиганинг иккинчи босқич мусобақаларини ўтказиш учун масъул бўлади.

— Сиз яқинда ҳакамлар билан учрашув ўтказдингиз. Ҳозирги кунда республикамизда нечта ҳакам фаолият юритмоқда? Жаҳон чемпионати ўйинларини юртимиз ҳакамлари ҳам бошқарадиган вақтлар яқин қолди, десак бўладими?

— Ўзбекистонда аттестациядан ўтган ҳакамларнинг умумий сони 114 тани ташкил этади. Ўйинларни бошқариш учун Олий лигада 19 та, биринчи лигада эса 18 та ҳакам хизмат қилмоқда. Уларнинг ўрнини тўлдириш, учун захирада 7 тадан ҳакам мавжуд. Олий лигада 11 та ён чизиқ ҳакамлар бўлиб, захирада 18 та ҳакам ўз навбатини кутиб ўтиради. Биринчи лигада 16 та ён чизиқ ҳакамлари бор. Захирадагилар сони эса 17 та. Аттестациядан ўтган назоратчи ҳакамларнинг сони — 37 та. Олий лигада 16, биринчи лигада 10 та назоратчи ҳакам хизмат қилиб, уларнинг 11 нафари захирада бўлади. Яқин 2-3 йил ичида фаолиятини тугатадиган ҳакамлар сони 8 тани ташкил этади. ФИФАнинг расмий рўйхатида Ўзбекистондан 5 та ФИФА рефериси, 8 та ён чизиқ ҳаками, жумладан 1 нафар аёл ҳакам қайд этилган.

Яқинда федерация мутахассиси Бобур Ҳайдаров Швейцарияда бўлиб ўтган ҳакамлар семинарида иштирок этиб қайтди. Ана шу тадбирда ўсбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг бу борадаги имкониятлари юқори эканлиги унинг ҳамкасблари, мутахассислар ва экспертлар томонидан эътироф этилди. Тасаввур қилинг, ўзбекистонлик ҳакам жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилаяпти. Бу ҳақиқий байрам-ку, Эрматовдек ҳакамларнинг борлигидан фахрланишимиз керак. Умуман ўзбек футболини жаҳон чемпионати финал ўйинларида кўриш барча мухлисларнинг орзу-армони. Биз ана шу мақсадга тезроқ етиш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Суҳбатдош: Ҳайдар НОСИРОВ.

Ҳаётнинг оддий ҳақиқатлари

ЧИРОҚ

Кечадан буён хонадонда чироқ йўқ, шишаси куйибди. Уни алмаштиришга одам йўқ. Оила бошлиғи хизмат сафарида. Хонадон соҳибасининг, Худо хоҳласа, мана шу кунларда кўзи ёрийди. Уйда уч нафар фарзанди — қизлари ҳали ёш бўлгани боис чироқ шишасини ечиб, ўрнига бошқасини қўйишнинг уддасидан чиқа олишмади. Аксига олиб, қўшнилари ҳам таътилга чиқиб кетишибди. Ноилож. Яна бир кеча ана шундай зим-зиёликда ўтади. Оиланинг тўнғичи — Мадинабону бўлажак «янги меҳмон»га атаб тикаётган кўйлакча — «сюрпризи»нинг охирига етмаганидан жудаям афсусда. Одинабону эса орзиқиб кутадиган телесериалнинг навбатдаги қисмини кўролмаётганидан хафа. Оила кенжаси Ҳамидабону қоронғуда ухлашга қўрқиб, хархаша қилади.

Орадан бир кун ўтгач, кечга яқин эр сафардан қайтди. Биринчи қилган иши — чироқнинг шишасини алмаштирди. Хонадон яна аввалгидек чароғон, ёруғ, хуфтон, диллар эса нурафшон бўлди. Шундай ҳолатларда беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Меҳрибон оила бошлиғи, яъни эгаси бор уйнинг файзи бўлакча, чироғи ёниқ туради. Афсуски, бундай оддий, ҳар биримиз учун қадрли бўлган ҳақиқатга кўпинча эътибор бермаймиз.

✧✧✧

Айрим пайтларда сабр-тоқат энг яқин ҳамдардга, сукут эса ажойиб суҳбатдошга айланади...

✧✧✧

Дўстни таниш учун, аввало ғанимнинг фарқига бормоқ лозим.

✧✧✧

Ҳаётнинг мазмун-моҳиятини тушунган кишигина ўз ортидан бошқаларни эргаштира олади...

✧✧✧

Ҳаётдан ўзини қарздор деб ҳис қилиш — бу инсонийлик юкини ўз зиммасига олмоқ демакдир.

✧✧✧

Ҳаёт мактабининг асосий сабоқларидан бири — дунёда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлмаслигини англаб етишдан иборат.

Обиддин МАҲМУДОВ

Гиёҳвандлик — офат

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Инсоният йигирманчи асрда жуда катта ютуқларга эришди. Оламшумул кашфиётлар қилинди. Инсон қадами ойга етиб борди. Кўп дардларга даво топилди. Бироқ инсон зоти йигирманчи асрдан йигирма биринчи асрга ўзи билан гиёҳвандлик деган балони олиб ўтдики, бугунги кунда бу муаммо барчани бирдек ташвишга соляпти. Офат миллат танламай, чегара билмай бутун ер юзини қамраб олди. Гиёҳвандлик бугун ҳудуд билмай қитъалар ошмоқда. Айниқса, ёш йигит-қизларнинг бу бало домига тушиб қолаётгани ниҳоятда ачинарлидир.

Сир эмас, наркотик воситаларнинг ноқонуний савдосотиғидан кимлардир, қайси кучлардир беҳисоб маблағ топяпти. Бу «бозор» орқасидан уюшган жиноятчилик «қувват» оляпти, терроризм «сув» ичяпти. Инсоният бошига оғир кулфатлар тушаяпти, насл-насабга катта зиён етмоқда.

Шунинг учун бу офатга мамлакатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, биргаликда курашмоқ зарур. Қонунчилигимизда ҳам халқаро талаблар бўйича қатъий чоралар белгиланган. Айни пайтда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари наркобизнесга қарши кураш, унинг пайини қирқиш борасида жиддий ишларни олиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Афғонистонда оз эмас, кўп эмас 8200 тонна наркотик модда етиштирилган. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шу йилнинг февраль ва март ойларида мамлакатимиз орқали олиб ўтилмоқчи бўлган жуда катта партия наркотик воситаларни ушлаб қолишди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан наркотик воситаларнинг навбатдаги партияси йўқ қилинди. Чет эллик кузатувчилар, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари кўз ўнгида 1 минг 435 килограмм наркотик воситалар ёқиб ташланди. Биринчи марта эса ёқиб юбориш йўли билан 1994 йилда 14 тонна наркотик восита йўқ қилинган.

Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари бу жирканч иллатга қарши кураш бўйича зарур чораларни кўрмоқда. Аср вабоси — гиёҳвандликка тўсиқ қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу мудҳиш иллатга қарши ҳамжиҳатликда курашилсагина унинг олдини олиш мумкин.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.45
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda